



“ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ЭНЕРГО-РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман

3-4 октябрь 2018 йил, Андижон

“ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ СОВРЕМЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА И ЭНЕРГО-РЕСУРСОСБЕРЕЖЕНИЯ”

Международная научно-практическая конференция

3-4 октября 2018 года, Андижан

"PROBLEMS OF IMPROVING THE EFFICIENCY OF WORK OF MODERN PRODUCTION AND ECONOMY OF ENERGY-RESOURCES"

International Scientific and Practical Conference

October 3-4, 2018, Andijan

МАТЕРИАЛЛАР ТҮПЛАМИ

4-ШҮҮБА





**“ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ЭНЕРГО-РЕСУРС
ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

**IV
ШЎЬБА**

3-4 октябрь 2018 йил, Андижон

Андижон -2018

МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШДА SMART ТИЗИМИ

Мирзаев Сарварбек Авазбекович катта ўқитувчи

Андижон машинасозлик институти

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган. Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда амалга оширилиб, -давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, -қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, -иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, -ижтимоий соҳани ривожлантириш, -хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритишидир. Ушбу босқичлар яъни давлат бошқарувини такомиллаштиришда замонавий бошқарув усусларини қўллашни ҳам назарда тутади.

Юқоридаги Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб сизларга замонавий бошқарув усусларидан бири SMART тизимини тушунтириб ўтаман.

Мақсадларга эришишда – энг муҳими мақсадни тўғри белгилашдир. Фикрларингизни, кузатиб юрган нарсаларингизни ва ғояларингизни доим ёзиб юриш учун ўзингиз билан қалам ва қофоз олиб юринг. Илмий изланишларга кўра, бу фикрлар одамнинг мийясида 18 секунд туриши мумкин ундан кейин йўқ бўлиб кетади. Агар сиз хар доим қўлингизда қалам ёки дафтар каби восита билан юрсангиз, сиз катта натижаларга эришиш мумкин бўлган нарсаларни ёзиб юришга имкон топасиз. Ногоҳ эсизга келиб қолган нарсаларни ёзиб юринг. Мақсадни белгилашнинг биринчи воситаси бу ҳамма нарсани ёзиб олишдир.

Орзу ва мақсад ўртасидаги фарқ нима? Орзу – бу умумий ҳолат. Мақсад – бу аниқ туш. Мисол учун, келгуси йил учун истакларингиздан бирини оламиз. Бугун биз ушбу истакдан мақсадни қандай қилиб ўрнатишни билиб оламиз.

SMART тизими – бу вазифаларни ташкил қилиш ва мақсадларни белгилашдир. Бу термин Pol Mayengning 1965 йилдаги асарларида учрайди.

SMART тизими 5 босқичга бўлинади:

- 1) **Specific** – аниқлик.
- 2) **Measurable** – ўзгарувчан.
- 3) **Attainable** – эришиб бўладиган.
- 4) **Realistic** – аниқ, реал, мувофиқлик.
- 5) **Time-framed** – вақт давомида аниқлиги.

Биринчи: Мақсад аниқ бўлиши керак.

Сиз қандай натижага эришмоқчисиз? Қандай вазифани бажариш керак? Сиз нимани кутмоқдасиз? Қачон ва қанақа?

Мисол учун, агар озишни хохласанғыз Сиз олдингизга мақсадни қўйинг: 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб 49 кундан кейин вазним камаяди.

Иккинчи: Мақсад ўзгарувчан бўлиши керак.

Бу Сиз хохлаб ўқимоқчи бўлган китоб саҳифалари, аниқ даромад суммаси ва вариантлардаги фоизлар бўлиши мумкин.

Мисол учун, Сиз озиш учун олдингизга мақсад қўйдингиз: шу давларда 49 кунлардан кейин 2019 йил 1 январ куни менинг оғирлигим 10 килограммга камайиб 60 килограмм бўлишим мумкин.

Учинчи: Мақсад эришувчан бўлиш керак.

Биринчидан 500 долларлик ойлик даромадга эга бўлиб туриб, Сиз 49 кундан кейин 1 млн даромад топишингиз мумкин эмас. Бироқ, Сиз ушбу даромадга қараб озгина қадам орқали, даромадингизни 2 баробар оширишингиз мумкин. Бу мақсадга эришиш бўлади.

Иккинчидан мақсадга эришиш учун таклиф берадиган бўлсак, мақсад фақат Сизга боғлиқ бўлиши керак. Сиз ўзингизни олдингиз қандай турмушга чиқиши қўя олмайсиз, у сизнинг мақсадингиз ҳақида хатто билмаслиги хам мумкин Чунки бу харакатизда иккинчи томон хам иштирок этади. Шу сабабли, бундай вазиятда иккинчи томон билан битим тузиш ёки тўйга ўзаро келишиб олиб тайёргарлик кўриш керак, ундан ташқари бошқа томонни қизиқтириш учун нималарнидир таклиф қилиш керак. Ўзингизни яхшилаш учун мақсадни белгилашингиз мумкин: янги макияж ёки стиржка қилинг ўзингизни ташқи кўринишингизни ўзгартиришга, хамкорлар тўғрисида китоблар ўқинг хиссиётлар ривожланиши учун, озиш учун спорт клуби рўйҳатига ёзилинг, гольф ўйини ўрганиб олиб ўзингизга мос рақибингиз танлаб олинг. Мақсад фақат сизга боғлиқ бўлиш керак.

Учинчидан мақсадга эришиш фақатгина экологик жиҳатдан қулай бўлади. Бошқача қилиб айтганда, сиоз молиявий аҳволингизни бошқа одамларга зарар бермасдан тузатишингиз керак. Банкни ўмариш – бу экологик жиҳатдан мақсад эмас. Мақсад атроф-муҳитга дўстлик нуқтаи назаридан эриша оладиган бўлиш керак.

Тўртинчи: Мақсад аниқ (муҳим) бўлиш керак.

Мақсад шунчали қиммат бўлиш керакки, охирги натижани хохлаганингиз туфайли, мақсадга эришишингиз биланоқ Сиз ўша расмда ўзингизни кўришингиз учун. Мақсад шунчали реал бўлиши керакки: Сиз тасаввурингизда мақсадингизга эришганингизни ва эгаллаганингизни хис этишингиз керак.

Масалан:

- Сиз аллақачон келишган қоматга эришгансиз,
- Сиз магазинларда айлиниб янги кийимлар сотиб оляпсиз,
- Сиз аввалгидан кўра кичикроқ ўлчамдаги кастюм ва қўйлак кийиб кўряпсиз,

- Ёнингиздан ўтиб кетаётган аёл ёки эркакни эътиборини тортаётганингиздан, хамма сизга мафтун бўлганидан баҳтлисиз,
- Фотомодел бўлишга ва модалар журналиниң бош саҳифасида чараклаб туришга сиз тайёрмисиз.

Сиз ўзингиз бу янги муҳитда жойлаштиришингиз ва ўзингизнинг мақсадингизга эришганингизда ушбу завқ ва буюк баҳтни ҳис қилишингиз керак. Мақсад сизга ўта муҳим бўлиши керак. Агар ҳақиқатдан ҳам мақсад сиз учун жуда муҳим ва қадрли бўлса, унда сиз ушбу мақсадни қўллаб-кувватлайсиз ва хеч қандай қийинчилик сизни йўлингиздан қайтара олмайди, сиз уни тарқ этмайсиз ва керакли натижага кўтариласиз. Агар ҳақиқатдан ҳам мақсад сиз учун жуда муҳим ва қадрли бўлса, унда сизнинг ичингиздаги барча механизмлар ушбу мақсадни амалга ошириш учун ишлай бошлайди. Сизни ўраб турган дунёдаги ҳамма нарсалар аҳд қилган нарсаларингизга етишишингизга ёрдам беради ва унга етишишингизга ундайди. Атрофдаги барча нарсалар шунинг учун ишлашни бошлайди.

Бешинчи: Мақсад ўз вақтида чегараланган (аниқ) бўлиш керак.

Бизнинг мисолимиз мақсадни белгилашда ҳал қилиниши керак бўлган барча шартлар учун ва ҳамма параметрлар учун мос келади: ҳозирги кунда 49 кундан кейин 2019 йил 1 январдан менинг оғирлигим 10 килограммга камаяди ва 60 килограмм бўлади. Бу шароитда вақт оралиғи бор: бошланиш – мақсадни амалга ошириш учун вақт оралиғи – охир (хотима, натижа).

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, мақсадни белгилашда “керак” сўзи учун жой йўқ бўлсин, лекин кучли мақсадга эришиш учун жой бўлсин. Сиз муаммони мантиқий томонини ўйламанг, сиз ўзингизни эҳтиросингиз ва қатъиятингиз билан ёрқин мақсадга эришиш йўлини ўйланг. Мақсадингиз ҳақида батафсил, очик, ёрқин, қизиқиш, иштиёқ ва ғайрат билан ўйлаб кўринг. Сиз мақсадингизни орзусининг энергияси билан тўлдирасиз. Кейин ҳамма нарса энг яхши тарзда намоён бўлади ва қувончли ходисалар хурсандчиликлар хаётингизни тўлдиради.

SMART тизими мақсадлари

1) Specific конкретность, аниқлик.	–	Нима	Қачон	Канча
2) Measurable измеримость, ўзгарувчан.	–	Фоиз	Сумма	Килограмм
3) Attainable достижимость, эришиб бўладиган.	–	Бир қадам яқин	Фақат сизга боғлиқ	Экологик

4) Realistic релевантность, реалистичные, аник, реал, мувофиқлик.	–	Охирги натижа (бу нима учун керак)	Сезилувчан (нимани кўраман, эштаман, сезаман)	Қимматли
5) Time-framed определенность во времени, вакт давомида аниқлиги.	–	Бошланиш	Тугаш	Фаолият оралиғи

Мақсад қўйидаги мақсадларга мўлжалланган бўлади:

- жараён (яъни, сиз хоҳлайсизми қандайдир жараённи сифатини яхшилашни, ушбу жараёнда ўзингизни ҳолатингизни яхшилашни ва уни янаям қулай қилишни);
- одат (кунига 2 литр сув ичиш, кунига 20 саҳифа ўқиш, эрталаб угуриш)
- Натижа (SMART тизими – яқуний натижага эътибор қаратинг)

Мақсадлар йўлида дўстлар ва муваффақиятлар тилайман. Ҳамма нарса жуда оддий ва ўсишга олиб келади. Сиз муваффақиятга эришасиз! Хар куни кичик қадамлар қўйинг ва муваффақият албатта сизнинг ҳаётингизга кириб келади!

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда инсонлар ўз олдингизга қўйган мақсади йўлида ҳар хил тўсиқларга ўчрайди ёки ўзининг ҳаёлидаги орзуларини ҳаётга тадбиқ эта олмасдан юраверади. Ушбу тўсиқларни қандай қилиб енгиб ўтишлиги керак бўлганда ўзингизга beminnat маслаҳатларни қидириб қоласиз. SMART тизими сизни ўз мақсадингизга этишишингизда кўмакдош бўлишига ишонаман.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАЪСИРИ

Тўланов Мамасидик Андикон машинасозлик институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Бугунги кунда “глобаллашув” сўзи энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Ушбу тушунча инсон ва жамият ҳаёти ривожининг ҳозирги давридаги муҳим хусусиятларни, жумладан, тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, кишилик цивилизацияси бугунги кунгача бошидан кечирган давлардан тубдан фарқ қиласиган ўта шиддатли ва мураккаб бир воқеликни ўзида мужассам этади.